



«3» октябрь 2019 у.

№ 842

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига наркологик ёрдам кўrsatiш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташҳис қўйиш ва уларни даволашни янада такомиллаштириш, наркология хизматининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, наркология муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар аҳолига наркологик ёрдам кўrsatiш тизимини такомиллаштиришининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

наркология хизматини бошқаришнинг самарали вертикал интеграциялашган ташкилий тузилмасини ташкил этиш;

наркология хизматининг норматив-хуқуқий базасини такомиллаштириш;

бино ва иншоатларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, наркология муассасаларини тибиёт асбоб-ускуналари ва инвентар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) орқали наркология хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

наркология хизматини малакали кадрлар билан таъминлаш, шу жумладан нарколог-шифокорларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, профилактика қилиш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг замонавий методикалари ҳамда технологияларини жорий этиш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика наркология маркази негизида Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тибиёт марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Куйидагилар Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тибиёт марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташҳис қўйиш ва уларни даволашни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, наркология хизмати муассасаларининг фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш;

наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташҳис қўйиш ва уларни даволашнинг, психоактив моддаларга қарам бўлиб қолган шахсларни реабилитация қилишнинг замонавий методикалари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

ушбу соҳада фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

биргалиқда илмий-тадқиқот ва таълим лойиҳаларини бажариш, шифокор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, биргалиқда илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун чет эллик профессорларни илмий фаолиятга, шунингдек, халқаро грантларни жалб қилиш;

жорий наркологик вазиятга эътибор қаратиш бўйича ўз вақтида муносиб чоралар кўриш учун таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида шерик ташкилотлар, шу жумладан хорижий йирик ташкилотлар билан ҳамкорликда наркологик касалликлар тарқалишини, психоактив моддалар истеъмол қилиш моделлари ўзгаришини баҳолашга қаратилган даврий тадқиқотлар ўтказиши.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика наркология марказининг хуқуқий вориси ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Республика наркология диспансери, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркология диспансерлари Марказнинг ташкилий-услубий ҳудудий бўлинмалари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган даромадлар, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар наркология муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. Куйидагилар:

2019 – 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ;

2020 – 2022 йилларда наркология хизмати муассасаларининг бино ва иншоатларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг асосий параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2020 – 2022 йилларда наркология муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг) асосий параметрлари 3-иловага мувофиқ;

наркологик беморларни мажбурий даволаш учун наркология диспансерлари ўринлар фондининг қуввати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ жамоат жойларида маст ҳолатда бўлган шахслар, агар уларга тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган

ҳолатларда (алкоголдан оғир зақарланиш ҳолатлари бундан мустасно), Қорақалпоғистон Республикаси Республика наркология диспансери, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркология диспансерлари хузуридаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар наркология диспансери қошида маст ҳолатда бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктини бир ой муддатда ташкил этсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, наркология муассасалари бинолари ва иншоатларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни тиббиёт ускуналари, ихтисослашган мебель ва инвентар билан жиҳозлаш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида назарда тутиладиган маблағлар, шунингдек, хорижий давлатлар, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига наркология муассасаларининг бинолари ва иншоатларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга оид асослантирилган ҳисоб-китоблар ҳамда манзилли рўйхатлари ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда тақдим этилишини таъминласин;

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, “Соғлиқни сақлаш” тармоғи бўйича ҳар йили назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида Марказнинг янгиланган ташкилий-штат тузилмасини ҳамда таъсис ҳужжатларини бир ой муддатда тасдиқласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 5-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “3” октябрдаги 842-сон қарорига
1-илова

**2019 – 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Сумма	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижро чилавр
I. Норматив-хуқуқий базани тақомиллаштириш						
1	Наркология хизматининг замонавий тузилмаси, вазифалари ва эҳтиёжларига мувоғиқ наркология муассасаларининг янги штат нормативларини тасдиқлаш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 январ	–	Ижро чилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
2	Алкоголга қарам бўлган шахслар учун чеклов ўрнатилган касбий фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2020 йил 1 февраль	–	Ижро чилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Касаба ўшмалари Федерацияси кенгashi
3	“Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни асосида ички ишлар органларида наркологик bemорларни мажбурий даволаш ва профилактик кузатишни таъминлаш бўйича ахборот алмашиш ва ички ишлар органлари	соғлиқни сақлаш вазири ва ички ишлар вазирининг кўшма буйруги	2020 йил 1 февраль	–	Ижро чилар маблаглари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИВ

	билан ҳамкорлик қилиш учун норматив-хуқуқий база яратиш.					
4	Мажбурий даволаш учун ихтисослашган даволаш-профилактика муассасаларида алкогизмга, гиёхвандлик ёки токсикоманияга йўлиқкан шахсларга ихтисослашган наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2020 йил 1 февраль	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
5	БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноят бўйича бошқармаси / Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан таклиф этилган Халқаро стандартлар асосида гиёхвандликка қарамликни даволаш бўйича хизматлар учун миллӣ сифат стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2020 йил 1 март	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
6	Илгор хорижий технологияларни ҳисобга олган ҳолда, наркологик беморларга ташҳис қўйиш, уларни даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2020 йил 1 май	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
II. Наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларга эрта ташҳис қўйиш, уларни даволаш ҳамда наркологик беморларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш						
7	Псилоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қилиш “хавф гурухи”ни эрта аниқлаш ва профилактик ишларнинг самарали усулларини жорий этиш, наркология муассасаларининг соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасалари, таълим муассасалари, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳалла фаоллари билан ўқув семинарларини ўтказиш орқали ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш.	Чора-тадбирлар дастури	2020 йил 1 май	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИВ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, “Маҳалла” фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

8	Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолини психоактив моддаларнинг янги турлари тарқалганидан ва уларни истеъмол қилишининг салбий оқибатларидан кенг хабардор қилиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2021 йиллар	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, МТРК, “Маҳалла” фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси
9	Психоактив моддаларга қарам бўлган ва оғир руҳий ва соматик асоратларни бошидан ўтказаётган bemорлар учун интенсив терапия палаталарини ташкил этиш орқали шошилинч наркологик ёрдам тизимини ривожлантириш.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2021 йиллар	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
10	Ёши катта наркологик bemорларни, шунингдек оғир касалликларга чалинган наркологик bemорларни соматик касалликларга чалинган наркологик bemорларни мажбурий даволаш учун маҳсус бўлимлар ташкил этиш орқали мажбурий даволаш тизимини ривожлантириш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 март	–	Бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
11	Наркологик bemорларни даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишининг юқори технологик усулларини жорий этиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2021 йиллар	–	Ижрочилар маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
12	Наркологик bemорларга ижтимоий-руҳий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2022 йиллар	–	Бюджетдан ажратилган маблағлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги,

				доирасида	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
III. Наркология хизматининг юқори малакали кадрлар билан таъминланганлигини яхшилаш, наркология соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш					
13	Тиббиёт олий таълим муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедралари базасида бирламчи ихтисослик цикларида магистратурада, клиник ординатурада наркология, тиббий психология ва психотерапия соҳасида мутахассислар тайёрлаш.	Ташкилий тадбирлар	Доимий равища	–	Муассасаларнинг бюджетдан ажратилган маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлари доирасида
14	Тошкент шаҳар наркология диспансери базасида худудий наркология муассасаларининг ижтимоий ходимларини ўқитиши.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2021 йиллар	–	Бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида
15	Наркологик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташҳис қўйиш ва уларни даволашнинг устувор йўналишлари бўйича наркология соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш.	Чора-тадбирлар дастури	2019 – 2021 йиллар	–	Бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, халқаро ташкилотлар маблағлари ҳисобидан
IV. Наркология муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш					
16	Наркология муассасалари биноларида таъмирлаш-қурилиш ишларини олиб бориш ва уларни реконструкция қилиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 – 2022 йиллар	147 млрд мсўм	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

							Тошкент шаҳар ҳокимликлари
17	Наркология муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш).	Ташкилий тадбирлар	2020 – 2021 йиллар	1,5 млн. АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари		Соғлиқни саклаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
V. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш							
18	Хорижий мамлакатларнинг етакчи клиникаларида “Наркология”, “Тиббий психология ва психотерапия” мутахассисликлари бўйича малака ошириш курсларида шифокорларни ўқитиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2021 йиллар	–	“Эл-юрт умиди” жамғармаси ва ҳомийлар маблағлари		Соғлиқни саклаш вазирлиги
19	Халқаро ташкилотлар ва етакчи илмий марказлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда психоактив моддаларга қарамлик муаммолари бўйича биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 – 2021 йиллар	–	Ижрочилар маблағлари		Соғлиқни сақлаш вазирлиги
20	Наркология муассасалари ходимлари учун замонавий даволаш-реабилитация технологияларини жорий этиш бўйича халқаро ташкилотлар кўмагида тренинглар ташкил этиш.	Ташкилий тадбирлар	2019 – 2021 йиллар	–	Ижрочилар маблағлари, партнеров		Соғлиқни саклаш вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 3 ” октябрдаги 842 -сон қарорига
2-илова

**2020–2022 йилларда наркология хизмати муассасаларининг
бинолари ва ишшоатларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг
АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/п	Объект номи (куввати)	Киймати (млрд сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати	Масъул ижрочилик
I. Қурилиш объектлари				
1	Самарқанд вилояти наркология диспансерининг стационарни қуриш (<i>ихтиёрий даволаши учун 140 та ўринга мўлжалланган стационар ва мажбурий даволаши учун 100 та ўринга мўлжалланган стационар</i>).	12,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	Тошкент шаҳар наркология диспансерининг янги корпусини қуриш (<i>ихтиёрий даволаши учун 30 та ўринга мўлжалланган стационар, суткада 70 та экспертиза ўтказишга мўлжалланган эксперт бўлими</i>).	12,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
3	Мажбурий даволаш учун Тошкент шаҳар наркология касалхонасининг янги биносини қуриш (<i>90 та ўринга мўлжалланган стационар</i>).	10,0	Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган тасдиқланадиган инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
4	Сурхондарё вилояти наркология диспансерининг янги корпусини қуриш (<i>100 та ўринга мўлжалланган стационар, суткада 30 та ташрифга мўлжалланган амбулатория</i>).	13,0 (2019 йил - 7,0)	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
5	Шарғун шаҳрида Сурхондарё вилояти наркология диспансерининг мажбурий даволаш учун янги корпусини қуриш, унга мажбурий	8,5	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

T/р	Объект номи (қуввати)	Қиймати (млрд сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати	Масъул ижрочилар
	даволаш учун мустақил шифохона мақомини бериш (100 та ўринга мўлжсалланган стационар).			
6	Жиззах вилояти наркология диспансерининг алоҳида корпусини куриш (40 та ташрифга мўлжсалланган диспансер бўлими).	4,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
7	Наманган вилояти наркология диспансерининг янги алоҳида корпусини қуриш (мажбурий даволаш учун 60 та ўринга мўлжсалланган стационар (50 та мавжуд + 10 та қўшимча ўрин)).	4,52	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги
8	Хоразм вилояти наркология диспансерининг янги биносини қуриш (ихтиёрий даволаш учун 40 та ўринга мўлжсалланган стационар ва мажбурий даволаш учун 50 та ўринга мўлжсалланган стационар, суткада 75 та ташрифга мўлжсалланган амбулатория).	15,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги
Жами: 8 та объект (710 ўрин).		79,02		

II. Реконструкция қилиш обьектлари

9	Андижон вилоятининг наркология диспансерини ташкил этиш бўйича реконструкция қилиш учун бино ажратиш (ихтиёрий даволаш учун 80 та ўринга мўлжсалланган стационар ва мажбурий даволаш учун 40 та ўринга мўлжсалланган стационар, суткада 50 та ташрифга мўлжсалланган амбулатория).	20,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги
10	Тахиатош шаҳридаги Республика наркология диспансерини (КР) реконструкция қилиш (100 та ўринга мўлжсалланган стационар ва суткада 75 та ташрифга мўлжсалланган амбулатория).	10,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
11	Тошкент вилояти наркология диспансерини (Ангрен шаҳри) Нурафшон шаҳрига кўчириш,	14,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги

Т/р	Объект номи (қуввати)	Қиймати (млрд сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати	Масъул ижрочилар
	бунинг учун тегишли бино ажратиш ва уни реконструкция қилиш (<i>ихтиёрий даволаш учун 30 та ўринга мўлжалланган стационар ва мажбурий даволаш учун 50 та ўрин, суткада 30 та ташрифга мўлжалланган амбулатория</i>).		дастури маблағлари доирасида	
	Жами: 3 та объект (300 ўрин).	44,0		
III. Капитал таъмирлаш объектлари				
12	Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази (<i>90 та ўринга мўлжалланган стационар ва 6 ўринли реанимация бўлими</i>).	14,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
13	Қашқадарё вилояти наркология диспансери (<i>ихтиёрий даволаш учун 110 та ўринга мўлжалланган стационар ва мажбурий даволаш учун 40 та ўрин, суткада 72 та ташрифга мўлжалланган амбулатория</i>).	9,0	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги
14	Тошкент шаҳар наркология диспансери (<i>60 та ўринга мўлжалланган (амбулатория ва стационар бўлим ҳамда 6 ўринли реанимация блоки, тўсиқ ўрнатиш, иситиш тизимини таъмирлаш</i>).	0,7	2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги
	Жами капитал таъмирлаш: 3 та объект (312 та ўрин).	23,7		

Изоҳлар:

- Ушбу қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектларидағи ишлар 2020-2022 йилларга тасдиқланадиган Инвестиция дастури маблағлари доирасида амалга оширилади.
- Ишлар нархи бошлангич нархдир, қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг якуний нархи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши экспертизадан ўтказиш ҳамда тендер савдолари якунлари бўйича аникланади.

**2020 – 2022 йилларда наркология муассасаларини
замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашнинг (қўшимча жиҳозлашнинг)
АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ**

17	Республика наркология маркази	-	1	-	6	1	-	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	4
	ЖАМИ:	3	13	18	28	15	11	21	12	16	16	11	16	11	14	15	2	2	13	91
	Бирлик нархи минг АҚШ долларида	4,0	6,0	4,0	5,0	15,0	4,0	5,0	18,0	16,0	1,07	3,125	0,7	1,9	0,3	7,5	18,0	20,0	0,8	0,5
	ЖАМИ: қиймат АҚШ долларида	36,0	78,0	72,0	140,0	225,0	44,0	105,0	216,0	259,2	17,12	34,4	11,2	20,9	4,2	112,5	36,0	40,0	10,4	45,5
Асбоб-ускуналарнинг умумий қиймати 1 507, 42 минг АҚШ долларини ташкил этади																				

Изоҳ. Тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) параметрлари наркология муассасаларида мавжуд замонавий тиббиёт ускуналарини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган.

Вазирлар Махкамасининг
2019 йил “З” октябрдаги 842-сон қарорига
4-илова

Наркологик bemорларни мажбурий даволаш учун наркология диспансерлари ўринлар фондининг қуввати

T/р	Худудлар	Мажбурий даволаш учун наркологик ўринларнинг зарур сони	Ўринларнинг мавжуд сони	Кўшимча ташкил этиш талаб этиладигна ўринлар*	Амалга ошириш муддатлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	90	70	20	2019-2022 йиллар
2	Андижон вилояти	60	40	20	2019-2022 йиллар
3	Бухоро вилояти	92	72	20	2019-2022 йиллар
4	Жиззах вилояти	40	30	10	2019-2022 йиллар
5	Қашқадарё вилояти	100	40	60	2019-2022 йиллар
6	Навоий вилояти	50	50	-	2019-2022 йиллар
7	Наманган вилояти	50	50	-	2019-2022 йиллар
8	Самарқанд вилояти	100	100	-	2019-2022 йиллар
9	Сурхондарё вилояти	100	100	-	2019-2022 йиллар
10	Сирдарё вилояти	30	15	15	2019-2022 йиллар
11	Тошкент вилояти	65	50	15	2019-2022 йиллар
12	Фарғона вилояти	160	80	80	2019-2022 йиллар
13	Хоразм вилояти	80	50	30	2019-2022 йиллар
14	Тошкент шаҳри	90	60	30	2019-2022 йиллар
Жами:		1107	807	300	

*) Соғлиқни сақлаш муассасаларида мавжуд бўлган умумий ўринлар фонди доирасида шакллантирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “З” октябрдаги 842-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурункали алкоголизм ва гиёхвандлик касалига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида” 1999 йил 24 августдаги 401-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ-399-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарорига 4-илованинг З-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 йил, № 4-сон, 40-модда).